Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 6 май, шанба • № 36 (10.712) • Эркин нархда сотилади

# ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар! Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишлаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан, халқ вакиллари — депутатларимизнинг ҳам чеҳраси очиқ бўлса, бу ҳол олдиимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

**Биринчи масала.** Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

**Иккинчи масала.** Ушбу сессиянинг тарихий сана — фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдирмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг якунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб, уларни яна бир бор аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Авваламбор:

**Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?**

**Референдумнинг якунатижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу якунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?**

Биринчидан: Референдум, ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдавлат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш **мақсадида** ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида **Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг,** керак бўлса, **бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш** масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**5 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашмоқда. Парламент ишида, шунингдек, республика ҳукумати иштирок этмоқда, унга хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилинган.**

**Сессияни республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов очди.**

**Сессия қатнашчилари сессиялар оралиғида вафот этган депутат Усмон Мансуров хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.**

**Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди ва унинг котибияти сайланди.**

**Депутатлар сессиянинг кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунлари ҳақидаги ахборотни тингладилар. Бу ҳақда Референдумни ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедов маъруза қилди.**

**Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

**Президент ўз нутқида Референдум натижасига кўра 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган президентлик ваколатлари муддатини давлат бошлиғи лавозимида бўлишлигининг иккинчи муддати деб ҳисоблаш тўғрисидаги масалани кўйди.**

**Олий Мажлис мазкур баёнотни муҳокама этиб, махсус қарор қабул қилди, ушбу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.**

**Республика Бош вазирининг ҳукумат Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини соқит қилиши хусусидаги аризаси муносабати билан Ўзбекистон Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов маъруза қилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ҳақидаги Фармон тасдиқланди.**

**Депутатлар Олий Мажлиснинг иш тартиби лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугровнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди. Музокараларда депутатлардан А. Миржалилов, Ш. Зайнобиддинов, Ҳ. Ғойиббоев, Ф. Омонов сўзга чиқдилар. Парламент иш тартиби тасдиқланди.**

**Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов маърузаси бўйича Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низом қабул қилинди.**

**Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева таклифига биноан депутатлар қўмиталар таркибини тасдиқладилар.**

**Олий Мажлис республика Олий суди аъзолари ва Олий хўжалик судини сайлади. М. Абдусаломов Олий хўжалик судининг раиси этиб тасдиқланди.**

**Республика парламенти ўз ишини давом эттирмоқда.**

**(ЎзА).**

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

5 май куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков Корея Республикасининг «Кабул текстайлз» фирмаси Президенти Чанг Хо Парк билан учрашди.

Исмоил Жўрабеков «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси билан «Кабул текстайлз» фирмаси ҳамкорлигида «Кабул-Тўйтепа текстил» қўшма корхонаси барпо этилиши Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожига муносиб ҳисса қўшишини таъкидлади. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳридаги ип йигирув фабрикаси асосида яратилаётган йирик тўқимачилик қўшма корхонаси тезроқ ишга тушиши учун Ўзбекистон барча имкониятларни сафарбар этишини айтди.

Жаноб Чанг Хо Парк «Кабул текстайлз» фирмаси қисқа муддатда қўшма корхона учун зарур ускуналар етказиб беришини маълум қилар экан, кореяликлар келтираётган илғор технология ва тажриба Ўзбекистоннинг бой иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Музокаралар ниҳоясида «Кабул-Тўйтепа текстил» қўшма корхонасини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартномани «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси бошқаруви раиси Ў. Исмоилов ва «Кабул текстайлз» фирмаси Президенти Ч. Х. Парк имзоладилар.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов, В. Чжен иштирок этди.

Шартномани имзолаш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Со Кон И ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

**Мутолов Абдулҳошим** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

**Жўрабеков Исмоил Ҳакимович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

**Пайгин Юрий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Саидқосимов Саидмухтор Саидғозиевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Султонов Ўткир Тўхтамуродович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

**Усмонов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Чжен Виктор Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси

**Юнусов Рустам Расулович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Ҳамидов Бахтиёр Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири

**Ҳаққулов Қайим Жалилович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқарувининг раиси

**Ғуломова Дилбар Мухаммадхоновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Алматов Зокиржон** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

**Аҳмедов Рустам Ўрмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

**Мардиев Алишер Мардиевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

**Комилов Абдулазиз Хафизович** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

**Отаев Валерий Йўлдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири

**Хусанов Расулмат** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири

**Гиниятуллин Рим Абдулович** — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири

**Раҳимов Комилжон** — Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири

**Йўлдошев Жўра Ғаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

**Салимов Оқил Умурзоқович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

**Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович** — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

**Каримов Шавкат Иброҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

**Умурзоқов Баҳодир Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

**Обидов Оқилжон** — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири

**Михайлов Виктор Константинович** — Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири

**Гатаулин Шамил Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Набиев Тўлаган** — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

**Шоёқубов Тўлқин** — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

**Рўзиев Собиржон Собитович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

**Хабибуллаев Пўлат Қиргизбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси раиси

**Шоғуломов Рустам Шомуродович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси

**Ахмадбоев Акрам Ғуломович** — Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат қўмитаси раиси

**Хоназаров Абдушукур Абдуҳалилович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 апрель.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунларига доир ахборот ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан умумхалқ овоз бериши якунлари ҳақида Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедовнинг ахборотини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Таъкидлаб ўтилсинки, Референдум натижалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга юксак ишончидан, унинг раҳбарлиги остида ўтказилаётган давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга, мамлакатда демократия ва ҳуқуқни янада ривожлантириш, фуқаролар жамиятини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтиш, халқнинг маънавий янгиланиши, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутаповнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисида»ги 1995 йил 26 апрелдаги Фармони тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатларини давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисида қўйган масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган муддатни унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги таклиф Референдумга киритилган масала доирасидан чиқиб кетади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритишни тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ ҳамда 90-моддасига амал қилиб, сайловчиларнинг ушбу масала хусусидаги фикрлари ўрганиб чиқилсин ҳамда таклифлар Олий Мажлис Кенгашига киритилсин. Шу мақсадда иловага мувофиқ таркибдаги Комиссия тасдиқлансин.

3. Комиссия ўрганиб чиқилган материалларни белгиланган тартибда умумлаштирсин ва Олий Мажлисга маълум қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

**ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ 1995 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА**

## КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1. Халилов Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси (комиссия раиси)

2. Ғуломова Дилбар Муҳаммадхоновна — Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

3. Рапиғалиев Бургутали — Наманган вилояти ҳокими

4. Усмонов Соиб — Уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси

5. Эшонов Баҳодир Отабоевич — Олий Мажлис Қонунчилик ва судҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси

6. Дониёров Улуғбек Худойбердиевич — «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг котиби

7. Бобоев Ҳалимбой — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг проректори

8. Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович — Олий Мажлис Қонунчилик ва судҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

9. Ҳамидов Ҳусниддин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Адабиёт ва тиллар институти шўъбасининг мудири

# ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда, уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, **улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низо-адоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш** — буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охир-оқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом муҳитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

Узоққа бормасдан, ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, ўққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборганларида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг якунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту биродарларимиз, рақибу мухолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим.

Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар.

Аммо бу ўринда, барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатларини билдирдилар.

Хурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, Умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган **бағрикенглик, олижаноблик** каби юксак фазилатларни, халқимизнинг **эзтиқоди баландлигини, онги кенглигини** яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг **руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги** яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, **танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-укубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.**

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. **Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улуғ фазилатларда, унинг олижаноблигида деб биламан.**

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам етакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишласа, у ҳам худди шундай ишонч ва ҳурматга сазовор бўлур эди.

Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чуқур мамнуният билан айтмоқчиман: **агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен — ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.**

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни — парламентга, Президентга, барча ҳокимият органларига халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.

**Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.**

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашда бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган айрим сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга ўринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усуллар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интилмоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, Референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпараст, амалпараст айрим кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суяниб, олиб бораётган сиёсатимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини енгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга интилмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

**Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар — уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга.** Бу — бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кўтарадиган, улуғ мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваламбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни худо ато этган ақлзаковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтинглар, қадрли дўстлар, юртдошлар, **диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч — шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?**

Ҳурматли дўстлар!

Дунёнинг кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиш ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларимиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обрў, халқимиз ҳурматига ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, муҳтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни: бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз қўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сўрайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак — буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак — бундай қарор Ўзбекистонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Ўзбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз халқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта хисса қўшган **отахон ва онахонларимизни шу улуғ айём билан чин дилдан қутлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тилайман!**

Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёркин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан **1 миллион 433230** киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси **23 миллионга** етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо, биродарлар, аввало, **урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир.** Қолаверса, **1941** йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи **6,5 миллион** киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан **263005** киши ҳалок бўлган. **132670** киши бедарак йўқолган, **60452** киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу маъшум уруш туфайли энг камида **тўрт юз минг оила** бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

**Азиз биродарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун, ўрнингиздан туриб бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.**

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, **кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини**, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

**Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етимесирларнинг бошини силади.** Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан «доҳий»ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг **ҳаққонийликка, ҳақиқатга** ишончини ҳеч қачон сўндира олган эмас.

**Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.**

**Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.**

Уруш йиллари — Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

**Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.**

Хаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида уларни ёлғизлатиб, кўнглини чўктириб қўймаслик учун катта ишларни амалга оширмоқда.

Мен бу борадаги қилинган ишларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Лекин бошқа айрим давлатларнинг раҳбарларига ўхшаб, фахрийларимиз, ветеранларимиз учун қилган ишларимизни такрор ва такрор кўз-кўз қилмасдан, бошқалар билан солиштирмасдан, бугун биз — Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати улар олдида доимо қарздор эканини изҳор этмоқчиман.

Бугун биз бу мўътабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида — илоҳим, **уларнинг арвоҳлари шод бўлсин!**

Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида «Ватан — саждагоҳимдир» деган фикрни баён қилади.

Чиндан ҳам, **ватан туйғуси, ватан тушунчаси** биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

**Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.**

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам **эзтиқодга,** чинакам **ақидага** айлансин.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳаққимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлик, минтақавий хавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — Тожик, Туркман, Қирғиз, Қозоқ ва Ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин — гапнинг очиғи, — кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам итисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва **бу ҳаракатда** ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, **қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.**

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланса — айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шак-шубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган **кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро бордикелдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айни муддао бўлур эди.**

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини беқарор таъсирларга берилмасдан изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг бешинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, **бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда.** Аммо, ҳар қандай умидбахш тахмин ва орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосилдан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар биримизнинг ҳам иштимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурро, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: **кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эзтиборингизда бўлсин.**

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-банди асосида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсинлар:

А) Иккинчи Жаҳон урушининг қатнашчилари, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

Б) аёллар ва вояга етмаганлар;

В) 60 ёшдан ошган эркаклар;

Г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қасддан жиноят қилиб, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Мазкур Фармон асосида озод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг ўтаб бўлинмаган жазо муддати қисқартирилсин:

А) ахлоқ тузатиш ишларига:, қамоққа ҳукм қилинганларнинг, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларнинг қолган муддати— ярмига;

Б) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — учдан бир қисмига;

В) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — тўртдан бир қисмига.

5. Ўта оғир жиноятлари учун, ўқотар қуроли билан ҳамда гиёвандлик воситаларини сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан ушбу Фармоннинг 1,2,3-моддалари қўлланилмасин.

Фармоннинг 4-моддасига мувофиқ тартиботни ашаддий бузувчиларнинг жазо муддати қисқартирилмасин.

6. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 май

---

*Ғалла мустақиллиги учун*

## ҲОСИЛ ҚИСҚА ВАҚТДА, НОБУДГАРЧИЛИКСИЗ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНИШИ КЕРАК

БУ ЙИЛ вилоятимиз далаларида ғалладан яхши ҳосил тўпланди. Деҳқончиликда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Ўтган куни Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масала муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқариб борди.

Бу йилги шароитда барча туманларда ғалла ҳосилини узоғи билан 20 иш кунида тўлиқ ўриб-йиғиб олиш асосий вазифа бўлиб қолмоғи керак. Ҳисоб-китоблар мавжуд майдонлардаги ғаллани ана шу муддатда тўлиқ йиғиштириб олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун биринчи галда мавжуд техника ва ишчи кучларини ўрим-йиғимга тўла сафарбар этиш зарур бўлади.

Шундай экан ҳар бир туманда ғалла ўрим-йиғимини ташкил этиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш, саъи-ҳаракатларни ҳозирдан бошлаб юбориш ўта муҳимдир.

Йиғилишда юқоридаги вазифалар юзасидан шаҳар, туман ҳокимликларига, бу ишга дахлдор вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари ҳамда идораларига зарур вазифалар топширилди. Асосий мақсад — барча кучларни, ҳаракатларни мувофиқлаштириб, ғалла ўрим-йиғимини тезроқ якунлаш эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бу бежиз эмас. Бу йил вилоятда ғалладан бўшаган 88 минг гектар майдонга такрорий экинлар экиш режалаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам ўримни босқичма-босқич ташкил этиш яъни ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, оралиқ экинларини экиб бориш зарур. Шунингдек, бу йил ғаллачиликда қўл ўримини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда. Ҳисоб-китоблар бўйича умумий ҳосилнинг 10—12 фоизи қўлда йиғиштириб олинади. Бу масалага ҳам жойларда эътиборни кучайтириш керак. Айниқса, одамларни моддий рағбатлантириш, уларнинг меҳнатига маҳсулот ҳолида яъни ғалла билан ҳақ тўлашни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. Йиғилишда бундан ташқари дала меҳнаткашларига тегишли шарт-шароитлар яратиш, ғалла ўримида иштирок этувчи механизаторлар оилаларини зарур озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари билан тўла таъминлаш, мавжуд техникаларни сифатли таъмирлаш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, туманлар, хўжаликлар, жамоалар ўртасида ғалла ўрими юзасидан ўзаро мусобақани йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар берилди. Айни кунларда барча майдонларда ғалла парваришини давом эттириш, суғориш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда ғалла ўрим-йиғимини ташкил этувчи вилоят штабининг таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов, вилоят ҳокимининг муовинлари, бўлим, бошқарма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

• ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ •

*Эртага Олмалиқ шаҳрида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган вилоят байрам тантаналари бўлади.*

**Биз Ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ЯНА ПАРАДДА ҚАТНАШАДИ

1941 йил февралида йигирма ёшли бу деҳқон ўғлини мажбурий ҳарбий хизматга чақиришганда ҳаммамиз қатори у ҳам уруш ҳақида ўйламаганди. Аскарликка жўнаётган йигитчани Дукент қишлоғидаги қариндош - уруғ ва яқинлари тезроқ омон-эсон қайтгин, уйингда ишлар бошдан ошиб ётипти, деб яхши ниятлар билан кузатишганди. Бироқ Аҳмад олти йилдан сўнггина — 1946 йил мартида қайтди.

У урушнинг бошидан жанг даҳшатларига дуч келди. Оёғидан яраланди, ҳар қанча шифо чораларини кўришса ҳам кейинроқ оёғини кесиб, ёғоч оёқ ясаб беришларига тўғри келди.

...Ўшанда олис қишлоқдан ҳарбий хизматга келган йигит Украинанинг ғарбида, Польша билан чегарадош Владимир Волинский шаҳрида йигитлик бурчини ўтай бошлади. Ўзбекистондан бир ўзи эди. Уни артиллерия билим юртига ўқишга жўнатишди. Бу ерда тўп наводкачиси касбини ўрганар - ўрганмас фашист қўшинларининг биринчи хужумига бардош беришига тўғри келди. 1941 йил августида икки марта яраланди. Айниқса иккинчи жароҳати оғир эди. Қони тугаб бораётган аскарни шошилинч Воронеж шаҳри яқинидаги ўрмонга жойлашган ҳарбий шифохонага жўнатишди. Дўхтирлар унинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлиб оёққа турғазишди. Кейин яна фронтга жўнади.

Суҳбатдошимдан урушнинг энг эсдан чиқмайдиган воқеалари ҳақида гапириб беришни сўрайман. Аҳмад Тоғаев Украинанинг ўнг қирғоқдаги қисми учун бўлган жанглар давомида олиб борилган машҳур Корсунь-Шевченко операциясини тилга олади. Ўзбекистонлик аскар 1-Украина фронти таркибида жанг қилибди. Бу фронт душманнинг «Жануб» гуруҳидан бўлган сараланган армияларини қуршаб олиб яксон қилган. Фашистлар гуруҳига машҳур немис генерали — фельдмаршал Э.Манштейн қўмондонлик қилар эди.

1944 йил январь ойининг охирида ҳамюртимиз хизмат қилган танкка қарши қирувчи бўлинманинг артиллерия расчети фронтнинг олдинги чизиғига ташланди. Мислсиз жанг чоғида Тоғаев ва унинг дўстлари уч кечаю уч кундуз душманнинг кетма-кет ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлдилар. Улар фашистларнинг 12 та танкини, пиёда қўшинлар тушган бир неча бронетранспортерларни яксон этдилар. Умуман ана шу жангда рейхнинг танк қудрати қақшатқич зарбага учраган эди.

Корсунь-Шевченко операциясида душманни таслим қилган етти нафар жасур аскарларимиздан иборат расчетнинг ҳаммаси ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. А.Тоғаев кўрсатган қаҳрамонлиги ва мардлиги учун жанговар Қизил Байроқ ордени олди. Унинг дўсти биринчи наводкачи Василий Ермолаев Ватан Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Уруш фахрийси Днепрдан кечиб ўтиш, Белая Церков шаҳрини ишғол қилиш учун бўлган жангларни ҳам хотирлайди. Бу жанглардаги шахсий мардлиги ва жасурлиги учун Қизил Юлдуз орденини олган эди. Ниҳоят у фашистларни Берлингача қувиб борди ва бу шаҳарни штурм қилиш ҳамда қўлга олишда қатнашди.

Албатта, у 1945 йил июнда Ғалаба парадида иштирок этганлигини асло унутмайди. Бу тарихий парадда Аҳмад Тоғаев ўзи урушнинг сўнгги кунларигача таркибида бўлган 1-Украина фронтидан вакил бўлиб қатнашган. Оддий аскар Тоғаевга бу парадда ниҳоятда муҳим вазифа топширилганди. У тўхтовсиз чалиниб турган барабанлар садоси остида Мавзолей остонасига фашистлар Германиясининг таслим бўлган қисмлари байроғини ташлаган.

Буни қарангки, эллик йилдан сўнг Москвада бўлаётган ҳарбий парадда дукентлик юртдошимиз яна қатнашмоқда. Бир неча фронтчилар қатори уни катта тантаналарга таклиф этишди.

**И.АХМЕТОВ.**

# БЕКОБОДДАН БЕРЛИНГАЧА

**Шуҳрат орденининг тўла кавалери, марҳум Сангин Поччаумаровни хотирлаб**

Белоруссия тупроғида қаттиқ жанглар борарди. Унинг ҳар бир шаҳар, квартал, кўчалари, ҳатто ўрмонларини немис-фашист босқинчиларидан озод этишда кўплар қатори Сангин Поччаумаров ҳам қаҳрамонона жанг қилган.

Полесье вилоятининг Беседка шаҳри душманлар қуршовида қолди. 4-гвардиячи отлиқ дивизиянинг 16-полкидаги миномёт батареясининг 2-расчетида мўлжалчи бўлган оддий аскар С. Поччаумаров ва қуролдошлари ҳаёти ҳам хавф остида қолди. Тинимсиз ўқ ёғилар, олдинга ҳаракат қилишга эса имкон йўқ. Чекиниш — таслим бўлиш деган гап. Батарея командири, капитан Павлов тишини тишига қўйганича оғир вазиятдан чиқиш чорасини ўйларди.

— Аҳвол чатоқ, ўртоқ капитан, бир жойдан туриб ҳаракат қилганимиз наф бермайди, — дея Павловга юзланди Сангин Поччаумаров, — яхшиси беш-олти жойдан тезкор, шиддатли отишмани уюштиришимиз керак.

— Фикрингга қўшиламан, бунда биз, биринчидан, гитлерчиларни чалғитамиз, иккинчидан уларнинг ўқ узиш нуқталарини ҳам аниқлаймиз. Қани, ўзинг бошла, дарҳол мустаҳкам мудофаа яратиб, тўхтовсиз аниқ нишонда миномётларни ишга солишга батареяга буйруқ бераман.

Белоруссиянинг Беседка шаҳрини озод этишдаги жангда С. Поччаумаров душманнинг уч ўқ отиш нуқтасини сафдан чиқарди. Пулемётлар овозини тинди. Автоматчилар взводини эса ер билан яксон этди. Ғарб сари олға юришга йўл очилди. Ўша жангда Сангин III даража Шуҳрат ордени билан тақдирланди.

Оддий аскар С. Поччаумаров чаққонлиги, жасур ва зийраклиги билан батереяда ажралиб турарди. У миномётчи, разведкачи, мерган ва ботирлиги билан ном чиқарди. Бу Польша ерларини ёвдан озод этишда яна бир бор исботини топди. Қуролдоши И. Сейников билан тунда ўрмон оралаб, гоҳ эмаклаб, гоҳ судралиб «тил» тутиб келишга йўл олишди. Сангин билан Иван эртаси куни фашист офицерини олиб келишганда командир бундай катта, «ўлжа»дан ниҳоятда қувонди. Уларни мукофотга тақдим этди. II даража Шуҳрат орденига у «тил»лар учун, душман қўшинлари қанча, қаерда жойлашган, қандай ҳарбий техникалар билан қуролланганлигини билишга ҳисса қўшгани учун сазовор бўлди.

Польша ҳам жангчиларнинг кўрсатган жасорати, мардликлари туфайли фашистлардан бутунлай ҳоли бўлди. Уруш энди Германия ерларига кўчган эди. Берлинни эгаллаш учун шиддатли жанглар борарди. Сангин Поччаумаровнинг расчёти ҳам бутун батарея билан сўнгги ҳал қилувчи жангга ташланган. Отишмалар давом этарди. Кўп қаватли бинолар деразасидан, ён-атрофдан кутилмаганда ўқ отилиб қоларди. Берлин кўчалари нотинч. Уйлар, хонадонлар, ертўлалар — ҳамма жой эҳтиёткорлик билан кузатилар эди. Душманлар талвасага тушиб қолган, жон сақлашни ўйлаб ўнг келган ерга ўзини урмоқда.

Сангин Поччаумаровга олти автоматини «сайратди». Икки киши ўлди. Қолганлари ҳам ҳалоқ бўлишини билди чамаси, қўл кўтариб таслим бўлди. Ўнга яқин душманни асир олган Сангин билан Иван уларни тўғри штабга олиб келишди.

Сангин Поччаумаров Берлинни эгаллашда ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Рейхстаг устига Ғалаба байроғини тикканлар сафида бўлди. Бу ердаги жасорати учун 1 даража Шуҳрат ордени билан тақдирланди. Ғалаба билан ўз юртига қайтиб колхозда ҳисобчи, кадрлар бўлими бошлиғи, тафтиш комиссияси раиси, халқ назорати қўмитаси раиси бўлиб кўп йиллар виждонан, самарали меҳнат қилди. Хўжаликда ҳурматга лойиқ кишилардан бири бўлиб қолди.

Моҳир жангчи, асл қаҳрамон сангин ака бугун орамизда йўқ. Унинг вафот этганига ўн беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Умр йўлдоши Саодат опа ва тўрт ўғил, уч қизи Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Ўзларига тўқ, турмушлари яхши. Ками-кўстлари йўқ. Лекин уларнинг қалбида бир армон, ўкинч бор.

Қаҳрамоннинг хонадонига хотирлаб келувчиларнинг қадами тортилиб қолди. Унинг номини абадийлаштиришга бош қўшадиган, ташаббускор ташкилотлар топилмаяпти. Улуғ байрам бўсағасида тириклар билан бирга марҳум қаҳрамонлар, урушда қатнашганлар номини ёдга олиш, оилаларидан хабардор бўлиш, ўғил-қизларини қутлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи керак.

Ўтганларнинг ёди ўчмасин сира, азизлар!

**Турсунали УСМОНОВ.**
**журналист.**

## ШОНЛИ ҲИССА

• Тошкент вилоятидан 100 мингдан ортиқ киши фронтга жўнаганди, улардан 30 мингдан ортиғи жангларда ҳалоқ бўлди ва бедарак йўқолди.

• Вилоят бўйича жангларда қатнашган 13,5 минг киши республиканинг юксак мукофоти — «Жасорат» медали билан, мамлакат ичкарисида фидокорлик кўрсатганлардан 18 минг 227 киши «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР

***• Ўртачирчиқ тумани «Северний маяк» колхозчиларидан Москвага хат:***

«Танклар ва самолётлар қурилишига 600 минг сўм бердик ва 30 тонна озиқ-овқат жўнатдик... Колхозимиз аъзолари душманни тор-мор қилиш ишига бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам бераверади.

Колхоз раиси Сергей Цой».

***• Қизил Армияга юборилган совғалар тўғрисида маълумотлар:***

а) «Ўзбекистон МОПРчиси» эскадрильяси қурилиши учун 419,8 минг сўм;

б) мудофаа фонди учун 4700 минг сўм;

в) Чиноз тумани бўйича 117002 сўм;

Оҳангарон тумани бўйича 25242 сўм;

Оржоникидзе тумани бўйича 199680 сўм;

Қуйичирчиқ тумани бўйича 114890 сўм ва 930 минг сўмлик облигация;

Бекобод тумани бўйича 554270 сўм;

6 та қишлоқ тумани ва Тошкент шаҳри бўйича совғалар сотиб олиш учун 4560333 сўм миқдорида пул тўпланди ва омонат кассага топширилди.

# НОМИ ҲАМИША ҚАЛБЛАРДА

Мен 1964 йилда Янгийўл туманининг Калинин номли (ҳозирги Қовунчи) жамоа хўжалигида партия қўмитаси котиби бўлиб ишлардим. Кунларнинг бирида ҳарбий комиссарликдан қўнғироқ қилишиб, хўжалик фаолларини йиғишимизни илтимос қилишди. Маълум бўлишича, ҳарбий комиссар Саттор Исматовга шу хўжалик аъзоси Илёс Ўрозовнинг қаҳрамонларча вафотидан сўнг юксак мукофотлар — катта орден ва Олтин медални топшириш юклатилган экан. Фаоллар иштирокида мен бу мукофотларни зўр ҳаяжон билан қабул қилиб олдим. Ҳамма сукут сақлаб, қаҳрамон Илёс Ўрозовни хотирлади.

Илёс Ўрозов асли қовунчилик. У 1922 йилда туғилган. Миллати — қозоқ. У 19 ёшида 1941 йилда Армия сафига чақирилади. Фашист босқинчиларига қарши курашда ўзгача жасорат ва мардлик кўрсатади.

1943 йилнинг 12 ноябрида ўз бўлим ҳарбийлари билан Дунай дарёси қирғоқларига етиб боради. Бу ерда катта жанг бўлади. Кўпгина фашистлар ер тишлайди. Лейтенант Ўрозов ва у бошлиқ бўлинма аскарлари қисқа вақт ичида 50 дан ортиқ душманга, унинг техникасига қақшатғич зарба бердилар.

Довюрак командир аскарлардан бир гуруҳини тўплаб, гранаталарни ишга солди. Натижада янада олға ҳаракат бошланди. 1945 йилнинг 11 февралида лейтенант Илёс Ўрозов Венгрия худудини озод қилиш учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалоқ бўлди. 1945 йилнинг 24 мартида унга Қаҳрамонлик юксак унвони берилди.

Эндиликда Илёс Ўрозовнинг номини кўпчилик яхши билади.

Қовунчи қишлоғидаги йирик бир илм даргоҳи — Илёс Ўрозов номида юритилади.

Биз Қаҳрамоннинг қариндош-уруғлари, танишбилишларини кўп ахтардик. Ниҳоят Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи опасига мукофотларни топширишга муяссар бўлдик.

Мен Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида барҳаёт сиймо ҳисобланган Илёс Ўрозовнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган мардликлари ҳақида ҳикоя қилар эканман Янгийўлда ана шундай мард ўғлонлар яшаб ўтганлигидан фахрланиш ҳиссини туйдим.

**Мансур ХАЙРУЛЛИН,**
**Усмон Юсупов уй-музейининг раҳбари.**
**Янгийўл шаҳри.**

*Байрам арафасида*

## МАРҲУМЛАРГА ЁДГОРЛИК

Алишер Навоий номли ширкат жамоа хўжалиги маъмурияти фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан хайрли тадбирни амалга оширди. Хўжалик марказида урушда ҳалок бўлган 200 нафардан ортиқ марҳум жангчиларнинг хотирасига ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда хўжалик раҳбари Н. Иброҳимов сўзга чиқиб, жон фидо қилган қаҳрамон жангчилар кўрсатган жасоратлар ҳақида гапирди. Уларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширди. Ўқувчилар уруш қурбонлари ёдгорлиги пойига анвойи гуллар қўйдилар.

## СОБИҚ ЖАНГЧИЛАР УЧРАШДИЛАР

Туман марказида уруш қатнашчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Собиқ иттифоқ қаҳрамони Тўхтасин Бобоев, Қорахитой қишлоқ фахрийлар кенгашининг раиси И. Тошпўлатов, бир неча орденлар соҳиби Ў. Ботиров ва бошқалар оловли йиллар хотиралари тўғрисида тўлқинланиб сўзладилар. Туман ҳокимининг биринчи муовини М. Дўстбоев, пластмасса қурилиш материаллари комбинатининг касаба уюшмаси раиси Ш. Саидмуродов ва вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси вакили М. Абдуллаевлар оҳангаронлик собиқ жангчиларни Ғалабанинг 50 йиллиги билан қутладилар. Пировардида учрашувнинг барча қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

## «НОМИ ЎЧСИН УРУШНИНГ»

Қорахитой қишлоғидаги 12-ўрта мактабда уруш ва меҳнат фахрийлари ўқувчиларга иккинчи жаҳон мухорабаси, у келтирган азоб-уқубатлар, ўша даҳшатли йиллар ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув қатнашчилари қишлоқ қабристонида ҳам бўлиб урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари хотирасини ёдга олишди ва улар руҳига қуръон оятларидан тиловат қилдилар.

## БИЗГА ОСОН БЎЛМАГАН

Сусам қишлоғида урушда ва фронт орқасида курашганлар билан қишлоқ меҳнаткашларининг учрашуви бўлди. «Бизга осон бўлмаган» шиори остида ўтган бу учрашувда қишлоқнинг уч авлод вакиллари иштирок этдилар. Уни С. Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятининг раиси С. Балашов очди. Маросимда иштирок этган уруш фахрийлари А. Музрапов ва бошқалар фронтда жанг қилган сусамликларнинг жасоратлари ҳақида гапирдилар. Сўнг уруш пайтида фронт орқасини мустаҳкамлаш ишларида фидойилик кўрсатган собиқ бригада бошлиқлари О. Ғозибекова, И. Санавов ва бошқалар уруш пайтида қишлоқ меҳнаткашларининг ғалабага қўшган ҳиссалари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Тадбир сўнггида уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

**М. ҚАЮМОВ**
**Оҳангарон тумани.**

Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада бўладиган катта байрам тантаналарига Ўзбекистоннинг бир гуруҳ фахрийлари ҳам жўнаб кетишди. Улар орасида вилоятимиз вакиллари — ангренлик уруш қатнашчиси Аҳмед Тоғаев (ўнгда) ва Қибрай тумани фахрийлар кенгаши раиси Жўра Хоназаров (чапдан иккинчи) ҳам бор.

**Козимжон УЛМАСОВ**
**олган сурат.**

## ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ

Оққўрғон туманидаги Усмон Юсупов номли 44-ўрта мактабда «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» мавзусида тадбир ўтказилди. Биринкетин мактаб ҳовлисига орден ва медалларни тақиб олган отахонлар, келинлик либосида ёрини жангга кузатиб қолган вафодор момолар кириб кела бошладилар. Тошкент Шарқшунослик олийгоҳининг профессори, халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби Шоислом Шомуҳамедов, Тошкент давлат дорилфунуни профессори, Беруний мукофоти соҳиби Озод Шарофиддиновлар ташриф буюриб, йиғилганларга ўтганларни ёд этиш, қарияларга нисбатан ҳурмат ёшларимиз тарбиясига қўшилган катта ҳисса эканлиги хусусида гапирдилар. Шу куни урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар учун қурилган ёдгорликни очиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ёдгорликни қурган уста Мирзакарим Ўринбоев сўзга чиқиб: «Отам урушга кетганида тўрт ойлик гўдак эканман. Мана 53 ёшга кирдим. Лекин ҳали ҳам отамни кутаман. Бу кун отамнинг номи ҳам ёдгорликдан жой олган экан, мактаб жамоаси томонидан қилинган бу хайрли ишдан кўнглим тоғдек кўтарилди», — деди.

Кеча сўнггида фахрийларга ва меҳмонларга Баҳодир Каттабеков раҳбарлигидаги санъаткорлар катта концерт қўйиб беришди.

**М.МИРЗАЕВ,**
**С.САИДАҲМЕДОВ.**

# «МЕН ҲАЁТ БЎЛМАС ЭДИМ, СЕН КУЛМАСАНГ ЁНИМДА»

## ёки жанггоҳда туғилган муҳаббат

Бутун умри давомида элюртга фидойилик билан меҳнат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган бу отахоннинг таржимаи ҳоли ранг-баранг воқеаларга бой. У ҳаётнинг энг оғир синовларига бардош бериб, яхши фазилатларини намоён эта олган инсонлар сирасига мансубдир. Тақдир Пўлатни болалигида асло эркаламади. У олти ойлигида онасидан жудо бўлган бўлса, саккиз ёшида отаси билан видолашди. Болалар уйидан паноҳ топган Пўлат анча зийраклиги, мактабда ўқитувчилар топширган вазифаларни ўз вақтида кўнгилдагидек бажариши билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. У ҳамма фанларни яхши ўзлаштиргани ҳолда математикага ихлос қўйди, спортни эса жон-дилдан севди. Шу боис бўлса керак, Чоржўй болалар уйининг «энг билағон» математиги, шу шаҳардаги денгизчилар техникумига қийналмай ўқишга кириб олди. У ўқув даргоҳини муваффақиятли тугатиб, механик бўлиб ишлади. Ишчилар тез орада сафларига малакали ёш мутахассис, ажойиб гимнастикачи қўшилганидан қувондилар. Пўлат иш жойида ҳам бўш қолди дегунча спорт билан шуғулланар эди. Бўйчан, кенг елкали, кўркам қоматли бу йигитга у хизмат қилган жамоада ҳамма ҳавас билан қарарди.

Пўлат бошқаларни ҳам спортга қизиқтира олди. Хизматда, жамоа ишларида ҳамиша фаол бўлган П. Мўминов уруш бошланганда биринчилар қатори ҳарбий комиссариатга мурожаат қилиб, қўлига қурол олиб фашистларга қарши жанг қилиш ниятида эканлигини билдирди. Лекин, денгизчиларга ўз хизматини бажариш зарур бўлганлиги учун фронтга юборилмаслик тўғрисидаги имтиёз (бронь) бор эди. Ҳарбий комиссариатда унга ва бошқа ўртоқларига шу муносабат билан эътироз билдиришди.

— Йўқ, — деди Пўлат Мўминов, — мен мактабдош дўстларим қатори ўз ўрнимни фронтда деб биламан. Юборасиз, — дея туриб олди.

Комиссариатдагилар ўйлабўйлаб, унинг истагини қондиришди. Туркман дивизияси сафида Великие Луки шаҳридаги қисмлардан бирида П.Мўминовнинг аскарлик фаолияти бошланди. Кейин уни Москва ҳарбий пиёдалар билим юртига ўқишга юборишди. Пўлат бу ерда жанговар кўлланмаларни, жанг қилиш усуллари билан боғлиқ фанларни чуқур ўрганди. Билим юртини кичик лейтенант унвони билан битирган зобит 82-гвардиячи дивизия сафида Жанубий Ғарбий фронтдаги жангларда иштирок этди.

Десна дарёси бўйида оғир тўқнашувлар борар эди. Одамлар қонидан қизғиш тусга кирган чоғроқ тепаликни забт этиш Пўлат ва унинг бир неча нафаргина сафдошларига топширилди. Урушда шунақа, ҳеч ким атайлаб мардлик учун жангга кирмайди. Балки муқаддас бурчга садоқати кучли инсон ўзининг қай тарзда жасурлик намоён этганлигини ҳам сезмай қолади. Бу жангдан сўнг батальон командири Пўлатга кузларида ҳавас ва меҳр билан қараб:

— Мардлигинг, топқирлигинг, чаққонлигинг учун раҳмат, ўғлон. Сендайлар билан ёнма-ён курол тутганимдан фахрланаман, — дея ташаккур эълон қилди.

Пўлат Мўминовнинг ўзига ва қуролдош дўстларига бўлган бундай эътибордан кўнгли тоғдек кўтарилган эди. Жангда нималар бўлмайди, дейсиз. Фашистларга қирон келтиришни кўнглига тугиб, навбатдаги тўқнашувга кирган Пўлат яраланди. Госпиталда ётиб даволанди. Кейин яна қўлга қурол олди.

Барвино қўрғонини ёвузлардан тозалаш учун тинимсиз жанглар борарди. Қўрғон гоҳ душман қўлига ўтар, гоҳ бизнинг жангчиларимиз уни озод этишар эди. Ҳар иккала томондан талофатлар кам эмасди. Фашистлар тўпларини тинчитиш лозим бўларди.

Яна Пўлатга командир бир неча аскарларни қўшиб душманга орқа томондан ўтиб, зарба бериш ҳақида буйруқ берди.

Командир буйруғи-қонун. Жанг пайтида эса яна инчунун. Жангчилар суви тўхтаб қолган зовурсимон ариқ ичига тушиб эмаклаб топшириқни бажаришга киришдилар. Душманларга яқинлашгач, гранаталар ташланди, автоматлардан ўқлар ёғдирилди. Фашистлар саросимада эдилар. Пўлат бошлиқ гуруҳ душманнинг аскарларидан анчасини халок этди. Қолганлари билан қўл жангига киришишга тўғри келди. Спортда чиниққан қўллар ёвузлардан неча-нечасини ер тишлатди.

Шундай олишувлардан бирида П. Мўминов бошидан оғир яраланди. Жароҳат тилсиз қилиб қўйган эди. Яна госпиталь Пўлат кўзини очганда оқ халатли кишиларни туман ичида кўрди.

— Юрагинг отнинг юрагидан ҳам бакувват экан, — деди доктор жангчининг юзига юмшоқ кафтини қўйиб, — тез кунда оёққа туришингга ишончимиз комил.

Пўлат индай олмади. Фақат кўзларидан севинч ёшлари думалади. Тириклигини ҳис этди, холос.

Одатда шунақа бўлади. Инсон кўнгли қаердадир бир нурланиб ўзига ёруғлик бахш этган бошқа бир одамга дил тўридан жой беради. Ана шу муолажалар давомида ҳамшира Тохирага ёруғ қисмат насиб этди. Эрта-ю кеч жангчи устида парвона бўлган халоскор кейинчалик Пўлатга қалбини очди.

— Соғайиб кетсам, албатта, сизга уйланаман. Фарзандларимиз кўп бўлади. Қариганимизда бизни суяшади, — эркаланганнамо айтилган бу сўзлардан Тохиранинг дили яйрарди. Улар кўп суҳбатлашардилар.

Тохира Пўлатни бетиним оғир оғриқдан чалғитиш учун қўшалоқ «Қизил юлдуз» орденларини, қўша-қўша медалларини қайси шаҳарда, қандай жанглар учун олганлиги ҳақида суриштирар, Пўлатни гапиртириш учун ҳаракат қилар эди. Докторлар жангчига қайтадан сўзлаши учун машғулотни қўшиқ айтишдан бошлаш керак, деган хулосага келдилар. Тохира бу иш билан шуғулланди. Пўлат сўзларни тўла айтолмас, бундан эса ўзи хижолат чекар эди. Тохира унга далда берди. Бора-бора ҳамшира докторлар айтган мақсадга эришди. Пўлат Мўминов қайта тилга кирди.

Шундан кейин яна у жанг майдонига отланди. П. Мўминов жанговар фаолиятида Днепропетровск, Волга бўйи атрофи, Бухарест, Братислава шаҳарларидаги жанглар алоҳида ўрин тутади. Бу юксак мукофотларга ана шу жойлардаги мардлиги учун эришган. Фронт жараёнида Тохира билан танишганидан беҳад қувонади. 1946 йилда жангчи ва ҳамшира орзу қилган кун келди. «Ҳаёт бўлмас эдим, сен кулмасанг ёнимда» деди ошиқ йигит.

Улар оила қуришди. Кейин Пўлат умр йўлдоши билан ўзи туғилиб ўсган жой Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғига кўчиб келди.

Ҳарбий тайёргарликдан малакаси юқори бўлган П.Мўминовни мактабга бошлангич ҳарбий таълим ўқитувчилигига таклиф этишди. Салкам 45 йил давомида Пўлат ака бу ихтисосликдан ёшларга таълим-тарбия берди. Ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлган муаллим жамоада ҳурмат-эътибор топди. Кейин Зангиота туманидаги 25-мактаб ўқитувчилари Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Пўлат Мўминовни иззат-икром билан пенсияга кузатишди.

Ота ҳозир дам олишдалар. Лекин ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла фаоллари билан ҳамиша биргалар. Тўйҳашамлар, турли маросимларнинг серфайз, мазмунли ўтишида кўпгина қариялар каби Пўлат отанинг ҳам ҳиссалари бор. Пиру-бадавлат бу оилада олти фарзанд камолга етди. Улар ҳаётдан ўз ўринларини топдилар. Байрамлар ва қувончли кунларда Пўлат ота хонадони гавжум бўлиб кетади. Давра тўрида ота ҳамда Тохира аялар савлат тўкиб ўтирадилар. Ҳар икковлари ҳам фарзандлар, набиралар оғушида. Шундай кезларда отахон ўтган умри бесамар кетмаганлигидан севинадилар. Тохира ая ҳам уруш йилларида бошидан кечган хотиротларни ёдга оладилар. Эслашга муносиб воқеалар эса кўп. Ўқлар, снарядлар остида ой сайин, йил сайин даламадала кўчган госпиталда жангчилардек мардлик, фидойилик билан бурчини адо этган, ажал билан олишиб, неча-неча аскарларга қайта ҳаёт бағишлаган шифокорлар, тункун бемор ёнида парвона бўлган ҳамширалар хизматини ёдга оладилар. Аянинг кўксидаги нишон ҳам ана шу жанговар фидойиликларнинг ёркин тимсолидир. Бу туйғулар уларнинг қалбларига ҳамиша ўзгача ором, мамнунлик бахш этади. Айниқса, Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида эса бу ҳиссиёт ўзгача меҳр билан жўш уради.

**А. РАИМОВ.**

## СИЗГА ҲАВАС ҚИЛСАК АРЗИЙДИ

Қутлов

*ҚАДРЛИ САЪДУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ!*

Тошкент тумани ҳокимлиги, фахрийлари, фаоллар ва кенг жамоатчилик Сизни таваллуд топган кунингиз, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги ҳамда муборак Қурбон ҳайити байрамлари билан сидқидилдан муборакбод этадилар.

Сиз озодлик йўлида фашизмга қарши курашда жанг майдонларида беқиёс мардлик, қаҳрамонлик, жасорат намуналарини кўрсатган фидойи инсонсиз. Ғалабадан кейинги тинч қурилиш йилларида ўзингизнинг меҳнат фаолиятингиз билан эл-юртнинг обрў-эътиборига, ҳурматига сазовор бўлдингиз. Охунбобоев номли, Ильич номли (ҳозирги Ҳасанбой) жамоа хўжаликларига узоқ йиллар моҳирона раҳбарлик қилдингиз. Бу хўжаликларнинг юксалиши, иқтисодининг мустаҳкамланиши, қишлоқларнинг обод бўлиши, халқ турмуш фаровонлигининг яхшиланишига муносиб ҳисса қўшдингиз.

Эгизак байрамлар билан яна бир бор чин дилдан қутлаймиз.

Сизга узоқ умр, тани сиҳатлик, хотиржамлик тилаймиз. Бири-биридан қобил, одобли, эл-юрт иши учун фидойи қилиб тарбиялаб, ўстирган фарзандларингизнинг роҳатини кўринг.


*Тадбиркорлар, ишбилармонлар, сотиб олинг!*

# КИМ ОШДИ САВДОСИ

**Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси кўчмас мулк объектларини сотиш юзасидан навбатдаги ким ошди савдосини уюштиришга тайёрланмоқда.**

Қурилиши тугалланмаган қуйидаги объектлар сотишга қўйилади:

**ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА:**

1. Эйвалек шаҳарчасидаги 60 квартирали уй. Лойиҳадаги майдони 1250 квадрат метр. Қурилиш учун участка майдони 0,43 гектар.
Муҳандислик тармоқларининг техникавий тахтлиги 30 фоиз.
Бошланғич нархи 48320 сўм.

2. Эйвалек шаҳарчасидаги касалхона. Лойиҳадаги майдони 3900 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 4,0 гектар. Муҳандислик тармоқларининг техникавий тахтлиги 60 фоиз.
Бошланғич нархи 5083110 сўм

**ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИДА:**

3. Солдатск шаҳридаги 48 квартирали 27-уй. Лойиҳадаги майдони 460 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,1 гектар. Муҳандислик тармоқларининг техникавий тахтлиги 30 фоиз.
Бошланғич нархи 102030 сўм.

4. «Ужекент» жамоа хўжалигидаги мактаб. Лойиҳадаги майдони 1230 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 1,0 гектар.
Бошланғич нархи 207360 сўм.

**БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА:**

5. Товоқсой шаҳарчасидаги дорихона. Лойиҳадаги майдони 472 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,5 гектар.
Бошланғич нархи 265430 сўм.

**ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА:**

6. «Детское» кафеси. Лойиҳадаги майдони 50 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,1 гектар. Муҳандислик тармоқларининг теникавий тахтлиги 80 фоиз.
Бошланғич нархи 371850 сўм.

**ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИДА:**

7. Янгибозор тумани марказидаги 48-квартирали 12-уй. Бинонинг лойиҳадаги майдони 3050 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,8 гектар. Муҳандислик тармоқларининг техникавий тахтлиги 40 фоиз.
Бошланғич нархи 1181970 сўм.

8. Янгибозор тумани марказидаги болалар боғчаси. Бинонинг лойиҳадаги майдони 1090 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 1,1 гектар.
Бошланғич нархи 131260 сўм.

**АНГРЕН ШАҲРИДА:**

9. 280 ўринли болалар боғчаси. Бинонинг лойиҳадаги майдони 2655 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 1,0 гектар. Муҳандислик тармоқларининг тахтлиги 70 фоиз.
Бошланғич нархи 1047690 сўм.

10. Муҳандислик-лаборатория корпуси. Бинонинг лойиҳадаги майдони 912 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,15 гектар. Муҳандислик тармоқларининг тахтлиги 20 фоиз.
Бошланғич нархи 42460 сўм.

**ЯНГИОБОД ШАҲРИДА:**

11. 24 квартирали 41-уй. Бинонинг лойиҳадаги майдони 535 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,5 гектар. Муҳандислик тармоқларининг тахтлиги 30 фоиз.
Бошланғич нархи 93830 сўм.

12. 32 квартирали 36-уй. Бинонинг лойиҳадаги майдони 780 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,5 гектар.
Бошланғич нархи — 1047690 сўм.

13. Қурилиш материаллари дўкони. Бинонинг лойиҳадаги майдони 620 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,3 гектар.
Бошланғич нархи 173360 сўм.

14. Чиғириқ шаҳарчасидаги боғча-ясли. Бинонинг лойиҳадаги майдони 680 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,8 гектар. Муҳандислик тармоқларининг тахтлиги 15 фоиз.
Бошланғич нархи 4872390 сўм.

15. Чиғириқ шаҳарчасидаги озиқ-овқат дўкони. Бинонинг лойиҳадаги майдони 410 квадрат метр. Қурилиш учун ер участкаси майдони 0,3 гектар.
Бошланғич нархи 113360 сўм.

**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-78-75; 33-24-28.**



## «УЗРОСБУМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Нусха кўчириладиган, перфорланган ёзув қоғозлари, крафт, ёруғликка сезгир газета қоғозлари, ватман, картон, муқовабоп фергамент, калька, шилдироқ миллиметровка, бумвинил (коленкор), ўров А3, А4 форматлардаги (оқ ва кул ранг) ёзув қоғозларини; шунингдек, учламчи узатгичлар, креслолар, осма ва ўйма қулфлар, суғориш учун тебранма насосларни

**СОТАДИ**

**Тошкентдаги телефонлар:33-52-38; 32-56-38.**

**Бизнинг манзилгоҳ: Буюк Турон кўчаси, 41-уй («Шарқ» концерни маъмурий биносининг 16-қавати).**

**Ички телефонлар: 56-38; 59-09.**

**Ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларни олиб келинг.**



## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Қибрай тумани ҳокимлиги билан биргаликда кимошди савдосини ўтказади:

**Савдога қўйилади:**

1. Уй-жой қуриш ва хусусий ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун ер участкалари

| т № | ер участкасининг манзили | Ер участкалари сони | Ер участкасининг сатҳи (кв.м) | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «Маданият» жамоа хўжалиги «Меҳнат» участкаси | 5 | 600.000 | 39.000 |
| 2. | «Маданият» жамоа хўжалиги «Қурилиш» участкаси | 5 | 600.000 | 39.000 |
| 3. | «Қибрай» жамоа хўжалиги | 20 | 400.000 | 26.000 |

Савдо бинолари ер майдонлари билан бирга:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | «Қибрай» ресторани «Қибрай» кўрғони | 2591.000 |
| 2. | «Баҳор» универмаги «Қибрай» қишлоғи | 1835.000 |

Автомототранспорт

| | | |
|---|---|---|
| 1. | ПАЗ-672 автобуси | 147.000 |
| 2. | ПАЗ-3201 автобуси | 147.000 |
| 3. | УАЗ-452 В микроавтобуси | 98.000 |
| 4. | КамАЗ-5511 самосвали | 147.000 |
| 5. | ЗИЛ-ММЗ-4502 самосвали | 98.000 |
| 6. | ЗИЛ-ММЗ-4502 самосвали | 98.000 |
| 7. | САЗ-3503 самосвали «ГАЗ» негизида | 73.500 |
| 8. | ГАЗ-5312 бортли | 73.500 |
| 9. | ГАЗ-5312 бортли | 73.500 |
| 10. | ЗИЛ-130 шатакчи | 98.000 |
| 11. | ЗИЛ-138 А | 98.000 |

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳар Хоразм кўчаси, 51, 2-қават, 82-хона. (Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида).
Қибрай тумани (туман ҳокимлиги биносида, хусусийлаштириш бўлимида).
Ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.
Мурожаат учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида — 33-38-42 код 3712
Қибрай туманида — 62-879 код 295
Кимошди савдоси Қибрай тумани ҳокимлигининг мажлислар залида 20 май куни соат 11.00 да бошланади.



«Тошкентвилоятсавдо» ишлаб чиқариш концерни ва «Тошкентвилоятсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг бирга қўшилиши ҳамда улар заминида «Тошкентвилоятсавдо» ҳиссадорлик компанияси ташкил этилиши муносабати билан концерн ва ҳиссадорлик жамиятларининг ваколатлари «Тошкентвилоятсавдо» ҳиссадорлик компанияси ихтиёрига берилди.

Даъво аризалари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.


Ўзбекистон «Ёдгорлик» жамиятининг Тошкент вилоят кенгаши ва Ўзбекистон «Прометей» қидирув экспедицияси жамият ва экспедиция аъзоси А. Сайдалиевга рафиқаси

**Тошбуви САЙДАЛИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Тошвилюктранс» концерни жамоаси Бўка 122-автокорхонаси директори, концерн бошқаруви аъзоси

**Фозил СОЛИЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


## «КРИСТАЛЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИ

**пул ўтказиш йўли билан**

— «ихота» металл тўрлар, 20x20, 30x30, 50x50 мм. катталикдаги катакчалар;
— 20 литрли алюмин канистрлар;
— 100, 200 литрли металл бочкалар;
— кўндаланг кесими 30 см. бўлган оқ-қора тасвирли «Семурғ» телевизорлари;
— кўндаланг кесими 34 см. бўлган «Айва» моноблокларини

**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

шунингдек, нақд пулга
— рулонлардаги юмшоқ мебелларни қоплаш учун ишлатиладиган (Франция-Россия маҳсулотлари) сунъий чармларни

**СОТАДИ**

**Телефонлар: (3712) 91-36-86 кундуз куни, 92-29-35 кечқурун телефон қилинсин.**


# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

### ДУШАНБА, 8

**ЎзТВ I**

6.00 -- 7.45 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

7.45 «Генерал Собир Раҳимов». Бадиий фильм.
9.20 М. Бафоев, З. Обидов. «Зафарнома». Оратория.
9.55 ТОШКЕНТ. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ. БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД.
10.45 «Қўшиқларим мадад бўлсин, сенга аскаржон». Киноконцерт.
11.05 Болалар учун. «Билиб қўйки сени Ватан кутади».
11.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сарғайган мактублар». Премьера.
12.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.50 «Аёл бор-ки олам мунаввар».
13.15 -- 13.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Ҳарбий марш садолари остида». Премьера.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Уруш йилларини эслаб...». Премьера.
18.50 «Ўн етти ёшлилар жасорати».
19.10 «Ғалаба нашидаси». Киноқўрсатув.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Жангчи алломалар».
20.20 «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД. РЕПОРТАЖ.
22.15 «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ.
00.15 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
00.30 -- 00.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

**ЎзТВ II**

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.40 «Бу бўстон аро...». Самиғ Абдуллаев.
20.10 «Ҳамшаҳарлар».
21.10 -- 23.20 «Оддий фашизм». Ҳужжатли фильм. 1--2-сериялар.

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 -- 18.40 Туркия телевидениеси.

*

«ОМАД» таништиради:

18.40 «Совға».
19.10 «Даракчи».
19.35 Жаҳон географияси.
20.25 «Панорама».
20.55 Эълонлар.
21.00 Видео -- «О».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Курьер».
23.05 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.15 «Постфактум».
23.25 -- 23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм.
18.30 «Енгилмаслар».
18.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
18.50 «Енгилмаслар».
18.55 1941 -- 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Давлат Кремль саройидан олиб кўрсатилади.
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
21.25 -- 21.45 «Шеърият альбоми».

### СЕШАНБА, 9

*АССАЛОМ ҒАЛАБА, АССАЛОМ ЖИНЧЛИК!*

**ЎзТВ I**

6.00 -- 01.00 БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР КУНИ.

**ЎзТВ II**

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.40 «Кўнгил».
18.50 «Жозиба».
19.10 «Бир шингил ҳангома».
19.20 «Тасвирларда барҳаёт мардлик».
19.40 Янгиликлар.
19.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.30 -- 22.10 «Кинонигоҳ».

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 -- 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Ғалаба дастхатлари».
19.20 «Ўзбекистон -- қадрдон уйимиз».
20.20 Фахрийлар учун қўшиқлар.
21.00 «Спорт ҳам бизга катта ёрдам берди».
21.30 «Бу кунни иложи борича тезлаштирдик».
22.30 -- 22.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 -- 7.50 «Телетонг».

***

17.15 «Белорус вокзали». Бадиий фильм.
18.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.00 «Урушдан кейин кеч соат олтида». Байрам ахборот кўрсатуви.
20.05 «Время».
21.00 -- 23.30 Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бутунжаҳон Озодлик концерти. Амстердамдан кўрсатилади.

### ЧОРШАНБА, 10

**ЎзТВ I**

6.00 -- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали. «Тақдир эшиги».
9.20 «Вобкентлик хонанда». Фильм-концерт.
9.50 «Қафолат».
10.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.50 Болалар учун. «Сирли най». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 М. Бафоев, А. Орипов. «Ҳажнома». Оратория.
12.35 -- 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.40 «Ғанимат дамлар». Ғ. Ғулом таваллудига бағишланади.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Олтин мерос». Солижон ҳофиз.
22.15 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.50 -- 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

**ЎзТВ II**

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.45 «Шоҳсупа сари».
20.15 Актёр Виктор Вержибицкий ижоди.
21.05 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
21.35 -- 23.15 «Кинематограф».

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 -- 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Тадбиркорлик мактаби».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:

20.15 -- 23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 -- 8.00 «Телетонг».

***

17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 10-серия.
19.05 «Кинопанорама».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 -- 22.10 «Саҳро каламушлари». Бадиий фильм (АҚШ, Буюк Британия, 1953 й.).

### ПАЙШАНБА, 11

**ЎзТВ I**

6.00 -- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Ҳаётий воқеа». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Чотқол тизмалари бўйлаб».
10.15 «Кашф этилаётган имкониятлар».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.30 «Ёшлар билан юзма-юз».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00--12.40 Халқ ижодиёти. «Айтишув».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Мулкдор».
19.05 «Юзма-юз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда -- Қашқадарё.
22.20 «Бешинчи рукн». «Ҳажнома». Ҳужжатли видеофильм.
23.15--23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

**ЎзТВ II**

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-аталье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45--23.25 «Кинонигоҳ».

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10--18.45 Туркия телевидениеси.

***

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
21.05 «Дўстларимиз сайёраси».
21.45--22.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00--8.00 «Телетонг».

***

17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 11-серия.
19.05 «Маҳбубалар». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05 -- 22.25 Кино асри. «Йигирма бир кун». Бадиий фильм (Буюк Британия, 1940 й.).

### ЖУМА, 12

**ЎзТВ I**

6.00--8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.
9.25 «Комилжон Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
10.00 «Тараққиёт».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табииёт.
11.00 «Ёшлар куйлаганда».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.30 «Мерос». Хувайдо.
13.10--14.40 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Ишбилармон».
18.50 «Ўзбекона лутф».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эл тинчлиги йўлида». ИИВ Академияси фаолиятига бағишланади.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 «Европани лол этган хонанда». Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева.
23.00--23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

**ЎзТВ II**

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Хотира». В. Погосьянц. Киноқўрсатув.
20.10--22.25 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1--2-сериялар.

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10--18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Шалом!». Исроил Мустақиллиги кунига.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:

20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Салом, ёшлар!».
21.15 Эълонлар.
21.20--23.00 Видео -- «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00--8.00 «Телетонг».

***

17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска Кид». Телесериал. 12-серия.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45--22.05 «Маърифат асри». Телесериал. 1-серия -- «Инқилоб алангалари» (Франция, Куба, «Ялта-фильм», «Экран», 1993 й.).

### ШАНБА, 13

**ЎзТВ I**

6.00 -- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Ш. Шоҳимардонова, Ҳ. Ғулом. «Муҳаббат навоси». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.40 «Ижодкор портретига чизгилар». Киноқўрсатув.
11.15 «Мактуб -- кўнгил ойнаси».
11.50 -- 13.00 Болалар учун фильм. «Ғалати гаров».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.45 «Ёшлик оқшоми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Саньатга бахшида умр». Халқ артисти Галия Исмайлова.
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» -- «Темирйўлчи».
23.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 -- 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Акс-садо».
20.10 «Пульс». Хабарлар.
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.35 -- 23.15 «Кинематограф».

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Замандас».
10.50 «Маданиятимиз дурдоналари».
11.30 -- 11.50 «Булоқлар кўз очганда».

***

17.10 -- 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Безнен мирас».
20.00 «Глобус».
20.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.50 «Бу ажиб дунё».
21.10 -- 21.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Луи де Фюнес «Жандарм уйланади» кинокомедиясида (Франция, 1968 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Шиндлер рўйхати» -- Умумроссия телеканали телепремьераси. Режиссёр Стивен Спилберг билан суҳбат.
21.05 «Маърифат асри». Телесериал. 2-серия -- «Халқлар қони».
22.25 -- 23.05 «Оба-на».

### ЯКШАНБА, 14

**ЎзТВ I**

6.00 -- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар киносеанси.
9.30 «Шоҳрўҳ клуби».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
11.45 «Менда фикр бор».
12.30 -- 14.20 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Дўппи».
20.15 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мозийга бир назар».
22.05 «Якшанба оқшомида».
22.55 -- 23.25 «Ҳафтанома».

**ЎзТВ II**

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.10 «Кўнгил».
10.20 «Жозиба».
10.40 «Бир шингил ҳангома».
10.50 «Тасвирларда барҳаёт мардлик».
11.10 Янгиликлар.
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 -- 13.40 «Кинонигоҳ».

***

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео -- «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Панорама».
22.00 «Компьютер-Осиё».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.50 -- 00.30 Видео -- «О».

**ЎзТВ III**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 «Аэробика».
9.15 «Жонли сайёра».
9.35 Мультфильм.
10.15 «Коллекция».
10.35 «Менинг кўчам».
10.50 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).
12.05 «Дарҳақиқат».
12.25 «Хонадонингизга тинчлик-осойишталик».
13.25 -- 13.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

17.10 -- 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Кўнгил кўприклари».
20.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.50 «Бу ажиб дунё».
21.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
21.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.00 -- 23.30 Бокс. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 Режиссёр С. Спилберг фильми. «Шиндлер рўйхати» (АҚШ).
21.00 «Якшанба».
21.45 -- 23.10 «Маърифат асри». Телесериал. 3-серия -- «Собордаги портлаш».


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6